

ALISHER NAVOI'S POLITICAL VIEWS

Nilufar Davlatova

TermMU

Faculty of Law "National Idea,
Fundamentals of Spirituality and Law" education

1st year student

Scientific adviser: **Shoira Davlatova**

Senior teacher of TermSU

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

Нилуфар Давлатова

ТермДУ

Юридик факультети “Миллий ғоя,
маънавият асослари ва ҳуқуқ” таълим

йўналиши 1-курс талабаси

Илмий раҳбар: **Шоира Давлатова**

ТермДУ катта ўқитувчиси

XV аср жаҳон ва шарқ маънавиятининг буюк сиймоси, ўзбек мумтоз шеърятининг султони, улуғ шоир ва мутафаккир А.Навоий ҳам фозил жамият қуришга доир бой илмий мерос қолдирди. А.Навоий сиёсий қарашларининг шаклланиши ва ривожланишини икки даврга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи давр- унинг ёшлик йилларидан то 1476 йилда Хусайн Бойқаро ҳокимиятидаги вазирлик мансабидан истеъфо этиб кетишигача бўлган вақтни ўз ичига олади.

Иккинчи давр эса 1476 йилдан бошлаб умрининг сўнгги кунларигача бўлган вақтни қамраб олади.

Биринчи даврда А.Навоий мамлакатда ҳокимият тепасига адолатли подшо келишига, бахтли жамиятга эришиш мумкинлигига ишонади ҳамда уни амалга ошириш учун курашади. У мамлакат ижтимоий ҳаётидаги сиёсий тарқоқликка чек қўйиш, тахт учун кетаётган қон тўқишларнинг олдини олиш борасида саъй-ҳаракатлари қутилган натижани бермагач сиёсий фаолиятдан воз кечади. Унинг сиёсий фаолиятидаги иккинчи давр бошланади. Мутафаккир адолатли давлат, маърифатпарвар шоҳ ғоясини яратишга киришади. А.Навоий ҳам бир қанча шарқ мутафаккирлари сингари фозил жамиятни орзу қилган ва бунинг учун ўзи ҳам бевосита амалий ҳаракатлар олиб борган.

Мутафаккир адолатли ҳукмдор, яъни “аҳли маъни”га мансуб бўлган подшоларни улуғлайди, ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз бераётган ноҳақликлар, адолатсизликларни эса қоралайди. Ҳақиқий инсонларга хос бўлган адолат, меҳру-мурувват, меҳнатсеварлик, тўғрисиўзлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, инсонпарварлик, саховатпешалик каби фазилатларнинг ижобий жиҳатларини кенг ёритиб беради. Унингча, адолатли жамиятни юксак фазилатли, маънавиятли, маърифатли инсонларгина барпо этишлари мумкин. Шунинг учун мутафаккир инсон маънавиятини юксалтириш асосида фозил жамият қуриш ғояларини илгари суради. У ўзининг “Ҳайрат ул- аброр” (“Яхшилар ҳайрати”) асарида одамларни икки гуруҳга- “аҳли маъни” ва “аҳли суврат”га бўлиб, уларнинг ҳар бирига

таъриф беради. Алишер Навоийнинг фикрича “аҳли суврат” тоифасидаги кишилар инсоний муносабатларнинг фақат шаклу-шамойилига эътибор берадилар. Уларга виқорли бўлиш, кибрланиш, зебу-зийнатга берилиш, ўзгаларга зулм ўтказишдан ҳузурланиш хосдир. “Суврат аҳли” учун дунёни қалбан англаш, эзгулик ҳис-ғуйғулари бутунлай ётдир. Улар инсоний муносабатларнинг фақат ташқи кўринишларини тан оладилар, моҳият ва мазмунга кириб бора олмайдилар. Бу тоифадаги кишилар кучлилар олдида кул, ожизлар олдида зулмкор. Бундай инсонлар фақат жоҳил жамиятни хуш кўрадилар. Асарда у кибр, худбинликни қоралаб шундай дейди: “Такаббурлик- шайтон иши ва манманлик нодон иши. Такаббур одам барчага ёқимсиз. Худбиннинг ҳеч бир иши элга маъқул эмас. У ўз билими билан мағрур, аммо билимдонлар қаршисида эса айбдор. Худпарастликдан будпарастлик яхшироқдир”¹.

“Аҳли маъни”- юксак тафаккур соҳибларидир. Уларнинг маънилиги шундаки, бу тоифадаги одамлар учун ақл-идрокли бўлиш, турли муносабатларнинг моҳият ва мазмунини англаш хосдир. Бундай одамлар ўз эҳтиёж ва манфаатларини ўзгаларники билан уйғунлашган ҳолда идрок этадилар. Жамият ва халқ учун хизмат қилиш ҳамда яшашдан лаззатланадилар. Улар ҳар бир ҳатти-ҳаракат ва воқеликнинг оқибатини ўйлаб иш тутадилар, бу дунёнинг қисқа, ўткинчи эканлигини ҳис қиладилар. А.Навоийнинг уқтиришича, “аҳли маъни”га мансуб бўлиш учун инсон эркин, довюрак, ҳақиқатпарвар, бурч ва масъулиятни ҳис этувчи, камтар, куч ва тазйиқ ишлатишдан холи, халқ ва дин учун фидоий, иймонли, ҳаёли, ўзга инсонлар учун ҳамдард, ҳар қандай зулмга қарши бора оладиган, адолат олдида ҳар қандай бойлик, иззат-нафс ва манфаатлардан воз кеча оладиган, ўз фикрига эга бўлиши лозим.

Мутафаккир подшоҳсиз раият ва давлатсиз жамият бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Жамият бўлиши учун давлат бўлиши зарур. Чунки манфаат кишиларни бир-биридан ажратади ва айни пайтда бирлаштиради. Бу жамият қонуни. Шу қонунни назорат қилиш одил подшонинг вазифаси. Подшо ва лашкар, подшо ва бошқарув тизими халқнинг осойишта ҳаёт кечириш учун муҳим роль ўйнайди,- дейди А.Навоий. Унингча, одамлар билим ва амалий фаолият, зеҳну заковатда бир хил эмас, биров ақлли, биров ўта ақлли, кимнингдир ақли кам, биров эса жоҳил. Чунки ҳар бир кишида Оллоҳнинг бир сифати акс этади, сифатлар эса турлича, икки сифат бирдай эмас. Шундай бўлгач, ахлоқ нуқтаи-назаридан ҳам одамларни тенг бир ҳолга келтириб бўлмайди. Ана шулардан келиб чиқиб мутафаккир адолатли жамият ва адолатли шоҳ ғоясини тавсифлайди.

“Хамса”нинг энг охирги достони “Садди Искандарий”, яъни “Искандар девори”да А.Навоий адолатли шоҳ тўғрисидаги қарашларини батафсил баён этган. “Садди Искандарий” “Хамса”даги энг катта дoston бўлиб, 89-боб, 7215 байтдан иборат. Достоннинг муқаддимаси XIV бобни ўз ичига олади. Асарда шоир “Форс- Эрон шоҳлари ҳақида” алоҳида бир бобни бағишлайди. А.Навоий бу бобда ўз давригача бўлган 4336 йилу 10 ой мобайнида Эронда ҳукмронлик қилган 4 сулола –пешдодийлар, каёнйлар, ашкониёлар, сосониёлар подшоҳлари ҳақида маълумотлар келтиради, уларнинг бошқарув сиёсатига таъриф беради

¹ А.Навоий. Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикматлар. Т, Sano-standart, 2016, 135-б.

А.Навоий “Садди Искандарий” асарида мамлакат раҳбарининг сифатлари тўғрисида тўхталар экан, уларга қуйидаги 4 талабни қўяди:

1. раҳбар донишманд бўлсин;
2. раҳбар қонун тарафдори бўлсин;
3. раҳбар қўлида ҳокимият бўлсин;
4. раҳбарда имомлик (раҳнамолик) хислатлари бўлсин.

Асарнинг XVIII-бобида “Шоҳликнинг тартиб-қоидалари ҳақида” фикр юритилади. Ушбу бобда мутафаккир давлатчилик асослари хусусидаги ўз мулоҳазаларини баён этади. Унингча, оламнинг барча ишларида муайян тартиб, низом ва уйғунлик мавжуд бўлганидек, давлатчиликда ҳам беҳато ва аниқ ишлайдиган тизим бўлиши лозим. Мамлакатдаги барқарорлик ва ривожланишни таъминловчи асосий масала- ҳар бир одамни ўз лаёқати ва вазифасига қараб тайинлаш, ҳар бир давлат ходимининг ўз иши билан шуғулланиши ҳамда бошқалар ишига дахл қилмаслигидир. Бу фикрни А.Навоий қуйидаги байтлар орқали тушунтиради:

Эшик ит еридир, гар ўлсун бўри,
Мушукка мақом ўлди уйнинг тўри.
Гар ул дашт сайдини айлар фигур
Ва лекин уй сайдин айлар шикор².

А.Навоий ўз қарашларини ҳайвонлар ҳаёти мисолида баён қилишга ҳаракат қиларкан, итнинг вазифаси уйни ташқи душмандан ҳимоя қилиш бўлгани учун эшик ортида, мушук эса, сичқон ва бошқа хонаки зараркундалардан тозалаш учун уйнинг тўрини макон тутати,- дейди. Яна асарда бу ҳақида шундай фикрлар келтирилади: “Одам қанча саъй-ҳаракат қилгани билан, бу махлуқларнинг бири қилган ишни иккинчисига қилдира олмайди. Ановисини ўз ерида овқатлантириш зарур бўлгани каби бунисини ҳам ўзига муносиб парвариш қилмоқ лозим. Агар аҳамият бериб қарасангиз, зарурат вақтида буниси ҳам, униси ҳам керакдир”³.

Буларнинг ҳар бири ўз ўрнида керакли бўлгани каби давлатчиликдаги турли муаммоларнинг ечими учун лаёқати ва лавозимига қараб ходим танлаш ҳамда уларга шунга муносиб мақом ва мартаба бериш лозим,- деб ҳисоблайди.

Мутафаккирнинг талқинича: “Кимки шоҳлик қилишни истаса, барча аскарларнинг ҳолидан воқиф бўлсин. Уларнинг таъминоти масаласини ҳал қилганда, ҳар кишининг даражасига қараб иззатини бажо келтирсин. Улуғ мартаба эгасига улуғвор илтифот кўрсатиб, кичигига кичикча саховат айласа; кимки ўрта даражадаги амалга эга бўлса, унга нисбатан: “Ҳар бир ишнинг яхшиси ўртача ҳолат, деган сўзга амал қилса, дуруст бўлур. Улуғ кишиларни кичиклардек камситмаслик, кичикларни улуғлар қаторига кўтариб юбормаслик лозим. Шундай қонун-қоидаларга риоя қилган шоҳнинг эл-юрти тез орада гуллаб-яшнаб кетади. Ўз ишида бахт-саодатга, яхши натижаларга эришади ва салтанатини идора қилишда ҳамма мақсадларига етади”⁴.

² Ш.Сирожиддинов, Д.Юсупова. О.Давлатов. Навоийшунослик. Т, Тамаддун, 2018, 159-бет.

³ Ўша ерда. 82-бет.

⁴ А.Навоий. Садди Искандарий, Т, Гафур Гулом, 1978, 81-бет.

А.Навоий шоҳ ўз қўл остидагиларнинг хизматларини рағбатлантириш ва кадрлашга ҳам эътибор қаратиш зарурлигини, бу алоҳида ёндашув талаб қилишини уқтиради. Буни бир қанча мисоллар билан тушунтиради. Жумладан, “ёш бола ўзини хурсанд қилиши учун шатранж ўйнайман, деб доналарни тергани билан, на ўйнашни, на теришни билмас, на олишни-ю ва на беришни билмас; масалан, пиёдани шоҳнинг ёнига қўйса-ю, филни рухнинг ўрнига терса ва умуман, ҳамма доналарни шу хилда пойма-пой жойлаштира... Унинг бу ўйини қанча чўзилса ҳам, барибир ўйин эмас ва ўйинлик аҳамияти ҳам йўқ. Бу худди, ит тувагига сомон солиб, от охурига суяк ташлаб қўйгандек ишдир”⁵, -дейди. Мазкур фикрлар орқали мутафаккир подшоҳдан талаб қилинадиган энг асосий масала-одамлар қобилиятини тўғри аниқлаш ва шунга мувофиқ уларга амал ёки мартаба бериш ғоясини илгари сурганлигини англаш мумкин. Унингча, истеъдодлининг қадрига етмаслик ёки истеъдодсиз одамни улуғлаш-гавҳарнинг қадрига етмаслик ва эшакмунчоқни эъзозлаш каби бир хил зиён келтирувчи ишлардан ҳисобланади.

Ушбу манбада А.Навоий шоҳларга муомала борасида қуйидаги насиҳатни келтиради: “Тагин бир ажиб ҳолат бор, шоҳлар буни ҳам билиб қўйишлари шарт. У ҳам бўлса, жавохиршунослардек, фаросат билан ҳар кимнинг феъл-атвориға қараб муомала қилмоқдир. Яъни, лаълни кўраркан, чўғ деб гумон айламасаю, чўғни кўрганда гавҳар деб ўйламаса; ферузани эшакмунчоқдан ва бутун чиннини синиқ сопол кўзадан фарқ қилса. Лекин бу ишда анчагина қийинчилик бор, зеро, дунёдаги одамларнинг ҳаммаси аслида бир хилга ўхшайди. Ҳамма ҳам кўринишда одамга ўхшагани билан, бир-биридан ер билан осмонча фарқ қилади”⁶.

А.Навоий салтанатни идора қилиш, давлатда барқарорликни таъминлашда подшоҳнинг халқ ва хизматкорлар билан муомаласи асосий ўрин эгаллашини ва бу борада ҳаммага бир хил ёндашиб бўлмаслиги, давлат бошлиғи шуларни назардан четда қолдирмаслиги кераклигини таъкидлайди. Ҳатто бир онадан эгизак бола туғилганда ҳам, улар бир хил бўлмасликлари, бири яхши, иккинчиси ёмон бўлиши мумкинлигини айтади. Ёки асарда муз сумалаги ва шам кўринишида бир-бирига ўхшаса ҳам, улар ўртасида ўзаро тафоввут мавжудлиги, бирининг бошоғида ўт бўлса, иккинчисиники сув, шакар билан туз бир-бирига монанд бўлса-да, бири шўр-у, иккинчиси қанд эканлигини ёдда тутиш кераклигини, улар ўртасидаги фарқни англаш лозимлигини уқтиради.

Хуллас, мутафаккирнинг асарларида илгари сурилган давлатни бошқариш тўғрисидаги ғоялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. А.Навоий сиёсий қарашларидаги ўзига хослик- сиёсий жараён ва ҳолатни бадиий усулда баён этилишидир. У шоҳнинг нафақат адолатли, балки фаҳм-фаросатли, эътиборли бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

⁵ Ш.Сирождидинов. Д.Юсупова. О.Давлатов. Навоийшунослик. Т, Тамаддун, 2018, 81-бет.

⁶ Ўша ерда. 82-бет.